

---

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида Фурқат туманидан умумий қиймати 4.399 млрд. сўм бўлган 3 та таклиф ғолиб бўлди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий йилги 2-мавсуми якунланди. Лойиҳа доирасида Фурқат тумани бўйича фуқаролар томонидан жўнатилган таклифлардан умумий қиймати 4.399 млрд. сўм бўлган 3 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Хусусан, ["Ободон"](#) қишлоғи 6506 та овоз билан электр таъминотини яхшилаш, ["Калдушон"](#) маҳалласи 5755 та овоз, ["Катта янги"](#) маҳалласи 5743 та овоз билан ички йўлларни таъмирлаш ташаббуслари ғолиб дея топилди. Мазкур таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Туман бўйича ғолиб ташаббуслар рўйхати билан [ушбу манзилда](#) танишишингиз мумкин.

2023-09-19 09:14:32